

Рамазонга тайёргарлик бошланди



17:18 / 19 январь 1379

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларининг ташаббуси билан хатми Қуръон тадбирларининг савиясини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Рамазон арафасида қориларни саралаш, уларнинг хатми Қуръон тадбирларига тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида суҳбатлар ташкил қилиш аънаанага айланди.

Жумладан, бугун 19.01.2026 санада Ўзбекистон мусулмонлари идораси "Қуръон ва тажвидни ўргатиш" бўлимида Рамазон ойида Республика ҳудудидаги масжидларда хатм қиладиган қориларни суҳбатдан ўтказиш Ҳайъати йиғилиши бўлиб ўтди.

Бўлим бошлиғи Шайх Алижон қори Файзуллоҳ Махдум ва Масжидлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Музаффар домла Камолов раислигида ўтган ушбу

Йиғилишда устоз қорилардан иборат Ҳайъат аъзолари иштирок этдилар.

Йиғилишда Рамазон ойига муносиб тайёргарлик кўриш, хусусан, масжидлардаги хатми Қуръон тадбирларида қатнашадиган қориларни суҳбатдан ўтказиш масалалари батафсил муҳокама қилинди.